



AGROBANK

Давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёев ташаббуси билан "Саховат ва кўмак" умумхалқ ҳаракати ташкил этилди. Шунингдек ҳар бир туман ва шаҳарда жамғармалар очилди. Туманимизда ўз ўрнига эга бўлган "Агробанк" акциядорлик тижорат банки Риштон тумани филиали барча ишчи-ходимлари ташаббус кўрсатиб, иш ҳақларидан 16 млн. 485 минг сўм миқдорида "Саховат ва кўмак" жамғармасининг ҳисоб рақамига биринчилардан бўлиб ўтказиб беришди.

Албатта, бундай эзгу амал ва ташаббусдан қанчадан-қанча эҳтиёжманд оилалар баҳраманд бўлади.

Риштон тумани ҳокимлиги, туманимиз фуқаролари номидан банк раҳбарияти ва ходимларига ушбу савобли иш учун миннатдорчилик билдиради.

Жамғарма орқали йиғилган маблағлар туманимиздаги эҳтиёжманд оилаларни карантин даврида озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори-дармонлар билан таъминлашга сарф этилиши белгиланган.

Риштон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2020-04-26 07:36:22